Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
1 июнь
ЧОРШАНБА

№ 43
(12.367)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

20 йил

Ҳаётимизга қайси жиҳатдан қарамайлик – ўзгариш, янгиланиш. Бугунги орзу-ниятлар, мақсадлар, интилишлар ўзгача. Ҳамма ҳаракатда. Миллий истиқлол боқимандалик, лоқайдлик, дангасалик кайфиятларини турмушдан супуриб ташлаб, ўз ҳаётини яхшилашни, мазмун-маънолироқ, ўз хонадони, кўчаси, маҳалласини яна ҳам кўркамроқ, файзлироқ қилишни ўйлашга даъват этяпти. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширишга киришилган ислоҳотлар ҳам шу мақсадга қаратилган.

Чирчиқ:

ТОБОРА ЮКСАЛАЁТГАН ПАРВОЗ

1. Куч ҳам, имконият ҳам мўл

Бугун Чирчиқ шаҳри корхона, муассаса ва ташкилотларидаги ишлар, маҳаллалардаги ҳаёт шу орзу-ҳавас ва интилишларнинг самараларини кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида бу жараён яна ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Уч-тўрт ой илгариги хароба бино ўрнида бугун замонавий тикувчилик фабрикаси маҳсулот чиқараяпти. Кеча айланган сайилгоҳингиз бугун янги кўринишда, яна ҳам сўлим ва файзли. Бу томонда – шўх-шодон гўдаклар қийқириғи. Нарирокда – кексалар гурунги...

– Шуларни кўрганда ҳамиша Президентимизнинг бир таъкидлари ёдга келади, – деди шаҳар ҳокими Фурқат Хайруллаев. – "Халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз, – деган эдилар давлатимиз раҳбари. – Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда". Бугун қандай ишга қўл урсам, ниманики ният қилсам, кулиб турган гўдаклар, эртанги бахтига интилиб яшаётган йигит-қизлар, оилалари фаровонлиги учун меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, хусусий тадбиркорлар, нуроний отаоналаримиз, уларнинг манфаатлари, орзу-интилишлари ва эҳтиёжлари кўз ўнгимда туради.

Бу сўзларнинг натижаларини бугун маҳаллаларда, корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳаётида кўриш мумкин. Ҳоким бизни икки қурилишнинг бориши билан таништирди. Биринчиси – аквопарк.

– Компаниямиз йигирма йилдан буён жаҳоннинг турли мамлакатларида шундай иншоотлар қуриш билан шуғулланади, – деди Ҳиндистон "POLOAMU SEMENT CHECHK" компаниясининг бош менежери жаноб Кукрежа Жажит Синг. – Бу – тўртинчи лойиҳамиз. Биринчи навбатда 3,5 гектар майдонда аквопарк барпо этаяпмиз. Қисқа фурсатда 3 миллион АҚШ доллари қийматидаги қурилиш-монтаж ишлари бажариляпти. Иккинчи навбатда лунапарк қурилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллион доллар.

Иккинчи иншоот – "Очиқ ойна" маркази. Қурувчилар, пардозловчилар, бўёқчилар қизғин иш устида.

– Бу марказ – давр талаби, – деди ҳоким. – Одамлар турли тўловлар масаласида қийналмасликлари учун уни барпо этиш вазифасини халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясида кўриб чиқдик. Қурилишни ҳашар йўли билан амалга ошираяпмиз.

Биринчи қаватдаги ойнаванд хоналарда коммунал хўжаликлар, хизмат кўрсатиш идоралари, таълим, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва солиқ инспекцияларию хом ашё биржасигача, жами йигирмага яқин идора ўз қабулхоналарини очади. Марказнинг иккинчи қаватида кечаю кундуз ишловчи коммунал хизмат ва тўловлар, статистика бўлимлари жойлашади. Тўловлар, ҳужжат олиш ёки топшириш, бошқа хизматлар компьютерларда бажарилади. Марказ 23 та компьютер ва унга керакли ускуналар, алоқа воситалари билан жиҳозланади. Коллежлар ва лицей битирувчилари орасидан танлаб олинган 15 қиз шу кунларда оператор бўлиб иш бошлашга тайёрланишаяпти.

Ислоҳотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилувчи бундай қирраларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Жумладан, "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологияларни янгилаш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириб бораяпти. Ишчи-хизматчилар ҳам шунга яраша рағбат кўришаяпти. "Ҳурмат хиёбони"га ҳар йили 48 ишлаб чиқариш илғорининг сурати қўйилади. Йил якунларига кўра, 320 дан ортиқ илғор ишчи-хизматчига ташаккурномалар эълон қилиниб, "Ёшлар мураббийси", "Ўз касбининг устаси", "Энг яхши ёш ишчи" сингари фахрий унвонлар берилиб, пул мукофотлари билан тақдирланади. Ўтган йили шу мақсадлар учун 135 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Диққатга сазовор бир жиҳат – шаҳарда ҳар иккинчи кичкинтой боғчага қатнайди. Бугун 36 та боғча 4498 кичкинтойни тарбиялаб, мактабга тайёрламоқда.

Коллеж битирувчиларининг ўз касблари бўйича ишга жойлашишлари ўтган йили 81,9 фоизга етди. Қолганлар ҳарбий хизматга чақирилаяпти ёки ўқишга кираяпти. Ҳозиргача коллежларни бу йил битираётган йигит-қизларнинг 96,8 фоизини ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартномалар имзоланди. Йилнинг биринчи чорагида 1288 та янги иш ўрни очилиб, дастур 114 фоиз бажарилди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Чирчиқ шаҳрининг бош дарвозаси; (пастда) хотира майдони.

БУГУН – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ҲАЁТ ДАФТАРИНИНГ ИЛК САҲИФАСИ БУ

Болалик – ҳаёт дафтарининг илк саҳифаси. Гўдакнинг ҳар бир қилиғи, интилиши ота-она учун бир мўъжизадек: ҳайрат ва завқ, беқиёс меҳр билан кузатишади. Аста-аста бола қиёфасида ўз аксини кўришади улар.

Демак, бола қалби – оқ қоғоз. Унга нима ёзилса, бир умрга ўчмайди. Ҳар ким бу оқ қоғозга фақат яхшилик, эзгулик ёзилишини истайди. Боғча ҳаёти эса болаликнинг энг беғубор, сермазмун, сермаҳсул саҳифасидир. Одатда, боғчага қатнаган болакайлар ҳар томонлама – ақлан, жисмонан тез ривожланади.

Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Янгийўлдаги 23-мактабгача тарбия муассасаси тумандаги энг намунали боғчалардан бири. Унга қатнайдиган 100 дан ортиқ болалар учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган. 3-6 ёшли болакайлар маънавият ва маърифат, табиатшунослик ва спорт бурчакларида бошланғич таълим, жисмоний тарбия, ўлкашунослик бўйича илк сабоқларни олишади. Бағри кенг тарбиячиларнинг меҳр-муҳаббати туфайли яйраб-яшнаб ўсаётган болажонларнинг ота-оналари мудира Матлуба Ортиқназаровадан жуда миннатдор.

Келгусида рус тили, инглиз тили тўгаракларининг очилиши айни муддао бўлади. Болажонлар саломатлиги муҳофазасига масъул ҳамширалар Назира Қўчқорова, Ҳилола Абдуқодирова ўз бурчини виждонан бажараётган тиббиёт ходимларидан.

Порлоқ келажак эгалари – азиз болажонлар ҳамиша давлатимиз, халқимиз ардоғидадир.

Саида РАҲМОНОВА.

СУРАТДА: Янгийўлнинг янги авлодлари.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

ТАДБИР

РАҒБАТГА МУНОСИБ ҲИССА

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган "Раҳбар аёллар" клубининг мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

– Улкан тарихий воқеа арафасидамиз, – деди йиғилишни олиб борган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Аслида 20 йил тарих учун унча катта муҳлат эмас. Лекин бу муддат Ўзбекистондек давлатнинг мустақил равишда оёққа туриб, бор бўйи билан жаҳонга юз тутишида муҳим аҳамият касб этган давр бўлди. Бу қутлуғ санани муносиб кутиб олаётганлар қаторида вилоятимиз аҳолиси, хусусан аёлларимиз ҳам кўплиги, ҳар бирининг ҳиссаси айтишга арзигулик эканлиги кишини қувонтиради. "Раҳбар аёллар" клубининг навбатдаги вазифаси жойларда тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб бориш билан бирга мустақиллик пойдеворига ғишт қўйган аёлларни рағбатлантириш, уларни янги-янги ташаббусларга чорлашдан иборат.

Вилоятимизда жамият тараққиётига дахлдор аёлларимиз ҳақиқатан ҳам талайгина. Уларнинг ютуқлари, хайрли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи альбом, видеоролик, ҳатто, китоб яратиш мумкин. Клуб аъзоларига мустақиллик айёмини муносиб кутиб олишга интилаётган аёллар фаолиятини ўрганиш, рағбатлантириш учун керакли маълумотларни тўплаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Бугунгача ўнлаб фермер хўжаликлари пилла топшириш режасини бажаришди. Пискент туманидаги "Ёқубов Шаҳриёр" фермер хўжалигидан илғор пиллакор Шаҳло Каримова 147 килограмм ўрнига 174 килограмм ҳосил топширди.

ИПАККА БАРАКА КИРДИ

Юқоричирчиқ туманидаги "Шўлиев Жўрабой" фермер хўжалиги 10 қутидан 600 килограмм пилла топширди. "Дилшод", "Қизларгул она", "Доно", "Май Си Ким", "Раҳимхон тадбиркор" каби фермер хўжаликлари ҳам мавсумни юқори натижалар билан якунлашмоқда.

– Мавсумда 4 қути ипак қуртини парваришлаб, ҳар қутидан 70 килограммдан аъло навли пилла топширдик, – дейди "Доно" фермер хўжалиги раҳбари Султон Бегимқулов.

Зулфия ХУСАНОВА.

2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЕКОБОД ШАҲРИ

ҲАДЯГА ҚЎШИҚ

Тиббиёт коллежида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Тадбирда шаҳарда ўтган 20 йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида гап борди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хушовоз хонанда Тошпўлат Маткаримов фестиваль иштирокчиларини қутлуғ байрам билан табриклаб, энг яхши қўшиқларини ҳадя этди.

Тўлқин ТУРҒУНОВ.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

НАВҚИРОН АВЛОД ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

Туман хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежида мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

"Аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш", "Вояга етмаганлар билан ишлаш ва одам савдоси" мавзуларида маърузалар тингланди. Давра суҳбатида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, диний идора вакиллари ва коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Саида ЭШМАТОВА.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

ИНСОН ҚАДРИ – БИЛИМДА

Туман марказидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида туман мактаблари битирувчилари учун кўргазмали танишув-ташвиқот тадбири ташкил этилди.

Маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 1-курс ўқувчиларидан ташкил топган "Шеърият шайдолари" ҳамда 3-курс битирувчиларининг "Зиё-Нур" гуруҳлари ўртасида "Китоб марафони" ойлиги доирасида ташкиллаштирилган "Инсон қадри – билимда" баҳсида ўқувчи-ёшларнинг китобга, ўқиб-ўрганишга бўлган иштиёқ ва интилишлари яққол акс этиб турди. "Зиё-Нур" ва "Шеърият шайдолари" жамоаларининг таъсирчан ва ифодали чиқишлари ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланди.

Шотурсун ҲАМИДОВ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

20 йил

Чирчиқ:

ТОБОРА ЮКСАЛАЁТГАН ПАРВОЗ

2. Халқаро ҳамжамият назари ва эътирофида

вестицияли корхоналар барпо этилишига олиб келди.

Дастлабки йирик корхоналардан бири – электркимё комбинати очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Акцияларнинг 49 фоизи чиқариш қайта тикланиб, сифати яхшиланди. "Максам-Чирчиқ" маҳсулотлари Марказий Осиё, Хитой, Туркия, Эрон ва бошқа давлатларга экспорт қилина бошланди.

Хорижий шериклар биқайта тикланди. Чирчиқ саноатчиларининг бундай маҳсулотларини Германия, Исроил, Ҳиндистон, Сингапур, АҚШ сингари мамлакатлар ҳам эътироф эта бошладилар.

Мулк шаклини ўзгартириш натижасида Чирчиқда трансформатор, қишлоқ хўжалик механизмлари, халқаро стандарт талабларига мос келадиган нодир металлар ишлаб чиқариш яна

Айни пайтда чет эл инвестицияси киритилган янги "Бурсел-Тошкент-Текстиль", "Daeshin megatex" каби қўшма ва хорижий корхоналар барпо этила бошланди. Ўзбекистон бозорида модулли қозонхоналарга эҳтиёж кучайиши билан "Ҳаракат плюс" компанияси уни ишлаб чиқара бошлади. Корхона маҳсулот турини кўпайтириб, истеъмолчиларга газ тақсимлаш ускуналари, электрон газ ҳисоблагичлари, қуёш энергиясида ишловчи сув иситгичлар етказиб бера бошлади. "Бриз" ҳам қисқа фурсатда замонавий корхонага айланди, янги техника ва технологияларни жорий этиш пакет ва плёнка ишлаб чиқаришда Европа даражасига кўтарилиш имконини берди.

– Корхонамиз ишга туширилганига ҳали ярим йилдан ошгани йўқ, – деди директор ўринбосари Мирмаҳмуд Миразимов. – 1300 йигит-қиз янги технологиялар асосида бичиш-тикиш билан банд.

Технологик линиялар Туркия, Япония, Таиланддан келтирилган. Хом ашё, иптрикотаж газламалар Тошкентдаги "67-текстиль" корхонасидан олинмоқда. Ҳар ойда 350 минг АҚШ доллари-лик болалар кийимлари ишлаб чиқарилаяпти. Уларга хорижда талаб катта. Харидорлар – Россия, Украина, Қозоғистон. Ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, маҳсулотни маҳаллий бозорга ҳам чиқариш имконияти туғилмоқда.

Болалар кийимларининг экспортбоплиги шундаки, хом ашё пахтадан, соғлиққа зарарсиз. Иккинчидан, илғор технология туфайли улар чиройли, бежирим.

Шаҳар иқтисодиётини юқорида айтганимиздек, мустақиллик даврида модернизацияланган, энг янги техника ва технологик ускуналар билан қайта жиҳозланган йирик завод-фабрикалар белгилаб турибди. Шунингдек, "Давсон пласт" қўшма корхонаси, "Беса текстиль", "Дека" хорижий корхоналарининг қувватлари тобора ортаяпти. Жумладан, 2010 йилда қарийб 463 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, режа 109 фоиз бажарилди. 75 миллиард сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. 110 миллион АҚШ доллари-ли маҳсулот экспорт қилиниб, ўсиш суръати 120 фоизга етди.

Бу суръат мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида янада жадаллашди. Биринчи чоракда ўсиш суръати 11,3 фоизга етиб, 123 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шу муддатда экспорт ҳажми ҳам ортиб, режа 134,8 фоиз бажарилди.

Чирчиқ деганда улкан кимё ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, трансформатор ишлаб чиқарувчи, ноёб металлар қўйиладиган корхоналар кўз ўнгимизда гавдаланади. Миллий мустақилликка эришилган дастлабки йилларда эски иқтисодий алоқаларнинг узилиши уларни оғир аҳволга солиб қўйгани, кўпгина ишлаб чиқариш қувватлари тўхтаб қолгани сир эмас.

Лекин давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чирчиқликлар ўша оғир вазиятлардан муваффақият билан ўтиб олдилар. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, имтиёзли кредитлар берилиши одамларда ташаббускорлик ва интилишни кучайтирди. Хорижий инвестицияларнинг эмин-эркин киритилиши учун яратилган шарт-шароитлар, саноат ишлаб чиқариши қисқа фурсатда янги технологик ускуналар билан қайта жиҳозланишига, янги-янги қўшма ва хорижий ин-

Испаниянинг "Махам Согр. S.A.U." компаниясига сотилди. Хорижий сармоянинг киритилиши ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик ускуналарни янгилашни жадаллаштирди. Натижада, маҳсулот ишлаб лан ҳамкорлик кимё машинасозлиги корхонаси довруғини ҳам дунёга танитди. "Ўзбеккимёмаш" белгиси туширилган маҳсулотлар экспорти 40 фоизгача кўтарилди. Улар жўнатилган мамлакатлар 24 тага етди.

Мустақилликнинг 20 йиллик байрами арафасида Чирчиқда яна бир хорижий ин-

СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти аммофос цехининг бошқарув пультида ҳамиша иш қизғин; (пастда) хорижий сармояли янги корхонанинг тикув цехида.

БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

Мутахассислар фикрига кўра, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши 2035-2050 йилларга бориб, ер юзида жиддий табиий офатларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юз бераётган иқлим ўзгариши, Орол денгизининг қуриши, ичимлик сувининг тақчиллиги, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ёки кескин пасайиб кетиши натижасида турли ирсий касалликларнинг пайдо бўлиши жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Зеро, атроф-муҳитни асраш, табиат неъматларини борлигича келажак авлодга етказиш, одамлар орасида экологик маданиятни шакллантиришга барчамиз бирдек масъулмиз.

Табиат билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида "Экосан" халқаро жамоат фонди жамоаси турли тадбирларни амалга оширмоқда. Куни кеча "Тошкент ҳақиқати"-"Ташкентская правда" газеталари таҳририятида ўтган учрашувни шундай саъй-ҳаракатлардан бири дейиш мумкин. Учрашувда инсониятни ташвишга солаётган экологик муаммолар ва уларнинг олдини олиш, омманинг экологик онгини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди. Шунингдек, "Харитага номи киритилмаган саҳро" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Шу билан бирга табиат ва унинг муҳофазасига қаратилган "Экология ва саломатлик жамоатчилик нигоҳида", "Саломатликнинг 20 қоидаси", "Иқлим ўзгариши болалар нигоҳида" каби қатор китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот сўнгида "Экосан" халқаро жамоат фонди жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Миркарим Мирсовуров таҳририятга "Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳити муҳофазаси" харитаси, экологияга оид плакатлар ва шу мавзудаги адабиётларни совға қилди.

Азамат АҲМЕДОВ.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

ОҚСОҚОЛ НЕЧА ЁШДА БЎЛИШИ КЕРАК?

"Маҳалламиз фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови олдидан йиғилиш ўтказилиб, номзодлар кўрсатилди. Ишчи гуруҳи аъзоларидан бири "номзод ёши 60 дан ошмагани маъқул" деди. Шу тўғрими? Сиздан илтимос, раисликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида газета саҳифаларида маълумот берсангиз.

Ўсар КЎЧҚОРОВ, Қуйичирчиқ тумани, Гул қишлоғи".

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасига кўра, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) вазифасига номзоллар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас".

Бундан аён бўладики, қонунчиликда раис (оқсоқол) вазифасига сайланиш учун кўрсатилган номзоднинг ёши ҳақида чеклов қўйилмаган.

Баҳодир ТОҒАЕВ, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси.

Оҳангарон туманинг Телов қишлоғида ўтказилган тадбир маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ёт мафкуравий хуружлар ва оқимлардан огоҳ бўлиш, ёшлар тарбиясига эътибор каби муҳим мавзуларга бағишланди.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ЭЪТИБОР

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Маънавият-тарғибот бўлимлари, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари, маҳалла имом-хатиблари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар ота-оналар, маҳалла-кўй ёшлар тарбиясига янада эътиборлироқ бўлишлари кераклигини таъкидладилар.

Шокир ХАЛИЛОВ.

ОИТС ВА ГИЁҲВАНДЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда Ўртачирчиқ туманидаги ҳарбий қисмда "ОИТС ва гиёҳвандликка йўл йўқ" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

420 нафар ҳарбий хизматчи иштирок этган тадбирда ОИТС ва ундан сақланиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш йўллари ҳақида маълумотлар берилди.

Давра суҳбати ниҳоясида мазкур иллатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳа намойиш этилди.

Саид АСҚАРОВ.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

АФСОНАЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНМОҚДА

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланидек, хорижий инвестицияларни жалб этиш экспорт салоҳиятини кучайтиришга, янги иш ўринлари яратиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

– Бу йил фабрикамизга 5 миллион доллар инвестиция тўғридан-тўғри киритилди, – дейди Оҳангарон туманидаги "Корай-Текстиль" корхонаси бош директори Холид Ҳабибов. – Йилнинг биринчи чорагида 420 тонна сифатли хом аёш экспорт қилинди. Келгусида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш йўлга қўйилади. Бунинг учун янги комплекс ишга туширилмоқда. Натижада 150 та янги иш ўринлари барпо этилади.

Истиқлол берган имкониятлар боис қишлоқ ва маҳаллаларга ҳам саноат корхоналари кириб кела бошлади. Бу жараёнда чет эл инвестицияларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этади, албатта. Корхонада пахта толасидан сифатли калава-ип ишлаб чиқарилади. Собиқ хўжаликнинг ем-хашак омбори ўрнида қад ростлаган корхонада 170 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар.

– Комплексимиз сифат ва хавфсизлик бўйича барча жаҳон стандартларига жавоб беради, – дейди техника хавфсизлиги муҳандиси Сайёра Абдужабборова. – Илғор хорижий тўқимачилик-машинасозлик компанияларида ишлаб чиқарилган замонавий технологик ускуналарни ишчиларимиз бемалол бошқаришади. Барча жараён халқаро талаблар даражасида ташкил этилган. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Ўтган йили 550 минг долларли маҳсулот четга экспорт қилинди.

Калава хом ашёсининг 90 фоизи хорижий тўқимачилик корхоналарига етказиб берилаяпти. Яқин истиқболда эса иккламчи хом ашё эмас, тайёр саноат маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш режалаштирилмоқда.

Бу истиқболли лойиҳа учун 12 миллион АҚШ долларига тенг хорижий инвестиция тўғридан тўғри киритилди, Шунингдек, 1 миллиард сўм банк кредити жалб этилди. Ипгазлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги цехда қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Германиядан келтирилган янги русумдаги тўқув дастгоҳларини ўрнатиш ва бошқариш вазифаларини маҳалла ёшларининг ўзлари уддалашмоқда.

Бобур Бегимқулов корхонанинг умидли ёшларидан.

– Янги цехга 37 та замонавий тўқув дастгоҳи ўрнатдик, – дейди ёш ишчи. – Матога гул босиладиган қўшимча цехда қурилиш-монтаж ишларини тугаллаяпмиз. Хорижий мутахассислардан янги дастгоҳлар билан ишлаш борасида билим ва малака олдик. Энди бу замонавий дастгоҳлар билан бемалол тиллаша оламиз.

"Корай-Текстиль"да нафақат "Янги ҳаёт" маҳалласи йигит-қизлари, балки Дўстлик, Шодмалик, Ғаллақудуқ, Озодлик каби ёндош ҳудудларда яшовчи ёшлар ҳам меҳнат қилишмоқда. Янги комплекс ишга тушиши билан яна 150 та янги иш ўрни яратилади. Натижада Оҳангарон шаҳри ва тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли ва ёшлар учун ҳам корхонага йўл очилади. Қишлоқ ва маҳаллалардан келувчи ишчилар учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Замонавий андозаларга мос жиҳозланган ошхона, дам олиш хонаси, спорт мажмуаси ишчилар хизматида.

– Етакчи хорижий компаниялар билан рақобатлаша оладиган корхоналарда меҳнат қилиш оддий қишлоқ кишилари учун илгари қўл етмас орзу эди. Мустақиллик иншооти бўлган бундай лойиҳалар бизнинг давримиз учун янгилик эмас.

Муҳандис Сайёра Абдужабборованинг бу фикри айни ҳақиқат. Зеро, мунаввар юртимизда афсоналар ҳақиқатга айланмоқда. Ҳар дақиқа, ҳар лаҳзада янги-янги мўъжизалар яратилмоқда.

Шохрух ҲАКИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

КАСАНАЧИЛИК

АЁЛЛАРГА УЙДА ИШЛАШ ҚУЛАЙ

Шу кунларда "YANGIYO'L YOG'-MOY" очиқ акциядорлик жамияти билан шартнома асосида беш киши касаначи сифатида иш бошлади. Маъфират Пўлатова ярим тайёр озиқ-овқат, Улуғбек Муҳамедов қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, Жаҳонбуви Камолхўжаева иш кийимлари етказиб беришаяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Янгийўл туманида касаначилик жонланиб бораяпти. Шу йилнинг тўрт ойида 99 касаначи йирик корхоналар негизида кооперация асосида уй меҳнати билан шуғулланишга киришди. Айрим касаначилар шартнома асосида икки, ҳатто уч йўналишда иш бажаришаяпти. Чунончи, "YANGIYO'L YOG'-MOY" очиқ акциядорлик жамиятидаги ўн касаначининг аксарияти шундай. "BIOKIMYO" очиқ акциядорлик жамиятида эса 14 уй бекаси билан иш кийимлари тикиш бўйича шартнома тузилди.

Кичик корхоналар ҳам касаначиликни ривожлантириб, ҳозирча иш билан банд бўлмаган аҳолини уй шароитидаги меҳнатга кенг жалб этаётир. Фақат дастлабки тўрт ойда 49 та шундай корхонада 144 та касаначилик иш ўринлари ташкил этилди. Жумладан, "RASUL GI" масъулияти чекланган жамияти 8, "O'TKIR"да 11, "SINLONG" масъулияти чекланган жамиятда 4 касаначи эшик-ром ясаш, ғишт қуйиш, маҳсулотларни қадоқлаш билан шуғулланиб, мўмай ҳақ олаётир.

– Бу йил корхоналаримизда 600 та шундай иш ўрни очилиши режалаштирилган, – деди Янгийўл туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Саидазим Исмоилов. – Шуни ҳисобга олиб, шаҳар ва қишлоқлардаги корхоналар билан аниқ режа асосида иш олиб бораяпмиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

Навоий Давлат кончилик институти Олмалиқ кон-металлургия факультети таклиф асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант ўринларга профессор-ўқитувчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- *информатика ва ахборот технологияси;*
- *инглиз тили;*
- *кон муҳандиси электриги;*
- *кон муҳандиси механиги;*
- *кимёвий технология;*
- *фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш;*
- *геодезист-маркшейдер.*

Маълумот учун телефонлар: (8-370) 619-57-62, (8-370) 614-14-47, (+99893) 609-54-02. Манзил: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 56. Институт биноси.

20 йил

Чирчиқ:

ТОБОРА ЮКСАЛАЁТГАН ПАРВОЗ

3. Ғайрат ва уддабуронликдан унган барака

– Ҳозир учта озиқ-овқат дўконим бор, – деди Холида Саидбоева сўзини давом эттириб. – Шу кунларда яна битта дўкон қураяпман. Якинда ишга тушади. Мустақиллик байрамигача иш ўринларини 20 тага етказаман.

Турли давралардаги суҳбатларда мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар учун шукрона айтувчилар кўп бўлди.

– Агар Ўзбекистонимиз суверенитети қўлга киритмаганида аёлларимиз тадбиркорлик фазилатларини бугунгидек тўла намоён эта олмасдилар, – деди "Тадбиркор аёл" уюшмаси раҳбари Ражаббиби Имомбердиева.

– Мустақилликка эришмаганимизда мен бугунги даражага етишолмасдим, – деди "Холида-Барака-бизнес" хусусий корхонаси раҳбари Холида Саидбоева.

Озодлик, эркинлик шароитида эришилган, эришилаётган ютуқларни санаб адоғига етиш қийин. Бугун 65 нафар сергайрат, билимдон аёлни ўз сафига бирлаштирган "Тадбиркор аёллар" уюшмаси фаолияти таҳсинга лойиқ. Хусусий корхоналар раҳбарлари Мамлакат Очилова, Эъзоза Йўлдошева, Холида Саидбоева ва бошқалар аҳолига савдо, маиший, маданий ва тиббий хизмат кўрсатишаяпти, турли озиқ-овқат ва ширинликлар ишлаб чиқаришаётир.

Холида илгари магазинда оддий сотувчи бўлиб ишлаган. 1999 йили тадбиркорликка киришди. Банкдан 24 миллион сўм кредит олиб, ошхона, сўнг – учта дўкон қурди. Мана энди тўртинчисини қураяпти. Уни қурувчилар орасида учратдик. Эгнида коржомасифат бўлса ҳам ўзига ярашиб турган одми шим, гулдор кофта.

– Прораблик ҳам қилаяпман, – дейди кулиб тадбиркор.

– Ҳам раҳбарлик, ҳам қурилиш оғирлик қилмаяптими?

– Аксинча, завқ бағишлайди, – дейди у. – Бу ишларни ўзим учун, юртим, элим учун қилаяпман-ку! Кечагина оддий сотувчи эдим, бугун бир нечта хусусий дўконлар эгасиман. Йигирма йил олдин биров буни гапирса, эртакка ўхшарди. Биласизми, бу ишларнинг ривожида шароит, муҳит, раҳбарларнинг роли катта. Шароит шуки, мана шу дўконни қуриш учун банкдан кредит олдим. Раҳбарнинг роли шуки, шаҳримизнинг янги ҳокими тадбиркорлардан ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмайди. Уч кун олдин эрталаб соат еттида: "Кредитингизни олдингизми?" деб қўнғироқ қилдилар. Бир дунё ишдан ортиб шунга вақт топганларини қаранг. Хурсанд бўласиз-да. Биласизми, янги ҳоким келганқатланиш, маиший хизмат йўналишида 14 кишини иш билан таъминлаган. Бу фирма 2001 йилда ташкил бўлган. Ҳозирга келиб, аҳолига ҳар ойда 30 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатилмоқда.

– Мустақилликнинг йигирма йиллик байрами биз учун қўш қувонч келтирмоқда, – дейди Махамадолим Каримович. – "Ипотека банки"дан 70 миллион сўм кредит олиб, 10-микротуманда маҳалла гузари қураяпмиз. Турли савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари, салонлар, тўйхона бунёд этилмоқда.

Бу даргоҳ шаҳар кўркига кўрк қўшиш билан бирга юзлаб одамларга қулайлик яратади, кўпчиликнинг оғирини енгил қилади.

Чирчиқда тадбиркорларнинг маҳалла гузари қуриши эски тажриба. Масалан, оқсоқол тадбиркор Баҳодирҳожи Боқиев "Ал-Бекзод" фирмасини ташкил қилиб, 2002 йилиёқ 23-маҳалла гузарини бунёд этган эди. Ҳозир бу жой шаҳарнинг энг сўлим масканларидан бирига айланган. Гузар тўйхона, ошхона, чойхона, новвойхоналардан иборат бўлиб, Чирчиқ дарёси соҳилида жойлашганлиги боис ёз кунлари, айниқса гавжум бўлади. Бўстонлиқнинг тоғу дарадаги оппоқ қор ҳамда булоқ сувларидан жамланиб вужудга келаётган Чирчиқ дарёсининг муздек суви устига қурилган сўриларда ўтириб ҳордиқ чиқариш роҳатижоннинг ўзгинаси. Бу жойлар саратоннинг жазирамасида жуда салқин бўлади. Шаҳарликлар ёз мавсумида тўй ва бошқа тантанали маросимларни шу гузарда ўтказиш учун бир ой олдин навбат олиб қўядилар.

Инсоннинг қўли гул, деган ибора бевосита Баҳодир, Махамадолим, Ражаббиби, Холидабону каби тадбиркорларга нисбат бериб айтилгандек гўё. Уларнинг бири соҳилда ташландиқ ётган қайиқчилар базасини юқорида тасвирлаганимиз каби жаннатмакон гўшага айлантириб қўйди, иккинчиси ҳам бошқа бир қаровсиз жойни текислаб-тозалаб, янги гузар бунёд этмоқда, учинчиси кўп қаватли уйдаги тўртта хонадонни таъмирлаб, беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда...

Сўнгги уч йилда кичик корхоналар деярли уч баравар кўпайиб, 224 тага етди. Умуман, шу кунларда Чирчиқда 1344 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб турибди. Ўтган йили 237 та янги фирма иш бошлади. Шу ҳисобдан 1633 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳаракатда баракат деб шунга айтадилар. Бу тадбиркорлар кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, ҳам ўз рўзғорлари бут бўлишини таъминлашмоқда, ҳам эл-юртга хизмат қилиб, мингларнинг корига яраш-моқда ва шу билан бирга шаҳар тараққиётига, ободончилигига, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) юмшоқ қўғирчоқ устаси Гулбаҳор Қўзибоева шогирдлари билан; (пастда) зардўз Саодат Мейлиева ўз маҳоратини шогирдига ўргатаяпти.

ХХI аср ва Дунё

НАОТО КАНГА ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРИЛДИ

Nikkei Business Daily газетаси ўтказган сўров натижасига мувофиқ 70 фоиз сайловчи Япония бош вазири Наото Каннинг истеъфога чиқишини ёқлаб фикр билдирди.

Reuters агентлиги шу ҳафтада ҳукумат бошлиғига ишончсизлик билдирилиши мумкинлигини маълум қилди. Японларнинг бош вазирдан норозилиги биринчи галда Наото Кан шу йил 11 мартда юз берган кучли зилзила ва цунами оқибатларини қандай ҳал этаётгани билан боғлиқ. Аҳоли ҳукуматнинг зилзиладан зарар кўрганларга инсонпарварлик ёрдами берилишига, шунингдек, мамлакатда кейинги 25 йилда вужудга келган энг ёмон ядровий таназзулни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини танқидий баҳоламоқда.

Мамлакатдаги энг йирик мухолифатчи Либерал-демократик партия вакиллари ҳам ўтган ҳафтада Япония бош вазирига ишончсизлик билдириш таклифини киритган эдилар. Улардан бирининг гапига қараганда, социал-демократлардан бошқа барча мухолифатчи парламентчилар Наото Каннинг истеъфосини ёқлаб чиқишни ваъда қилганлар.

Fitch агентлигининг маълумотларига кўра, Токио давлатнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетган ташқи қарзини камайтириш тўғрисидаги режани тақдим этиш орқали вазиятни юмшатиши мумкин. Ҳозирги кунга келиб Японияннинг ташқи қарзи 5 триллион долларга етди. Бу – мамлакат иқтисодиётига нисбатан икки баравар кўп.

НИГОҲ

ХАЛҚ ЯШАБ ҚОЛА ОЛАРМИКАН?

Тожикистон ССРнинг қулаши оқибатларидан қутулишнинг уддасидан чиқолмади. Бунинг учун биринчи навбатда ҳозирги раҳбарларни айблаш ўринли бўлади. Республиканинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги бугунги аянчли аҳволи учун айнан улар жавобгар. Тожикистон раҳбарлари юритаётган сиёсат давлат тепасига келганларнинг мамлакатни тўғри бошқаришга қодир эмасликларини амалда намойиш этаяпти.

Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ёмонлашгани, меҳнат соҳасининг издан чиққанлиги, ҳаёт даражасининг кескин пасайиб кетгани, аҳолининг иш, даромад излаб чет элларга оммавий чиқиб кетаётгани Тожикистондаги бугунги вазиятни ойнадагидек яққол акс эттираяпти. Мамлакат миллионлаб меҳнат мигрантлари, тўғрироғи, уларнинг хориждан жўнатиб турган пуллари ҳисобига бир амаллаб яшамоқда. Республика иқтисодиёти кўп сонли президент ойласи ихтиёрига бериб кўйилган.

Мустақил иқтисодчиларнинг фикрига қараганда, Тожикистондаги ҳаёт даражаси кучли табақалашган. Бошқача айтганда, аҳолининг бой ва камбағал қатламлари ўртасидаги фарқ жуда катта. Бунинг устига бор бойлик (капитал) алоҳида гуруҳлар қўлида тўпланаётгани ҳам орадаги ушбу жарликни янада чуқурлаштирмоқда. Турли халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, Тожикистоннинг 6,25 миллион аҳолисидан 2 миллиони доимо очликда яшаяпти. 80 фоиз аҳоли камбағаллик чегарасининг сиртида.

Аҳвол шундай бўла туриб, ҳатто, яқин орада яхши томонга ўзгариш бўлишига умид боғлашнинг ҳам ўрни йўқ. Таркибий тузилмаларни ислоҳ қилишнинг палапартишлиги, чуқур илдиз отган коррупция, бошқарув тизимларининг бўшлиги, куч-қувватларнинг етишмаслиги ва ташқи қарз юкини ҳисобга олганда мамлакатнинг аҳволини ҳақли равишда ҳалокатли дейиш мумкин.

Далилларга мурожаат қилайлик. Расмий маълумотларда келтирилишича, 2010 йилда Тожикистоннинг ташқи қарзи 1,943 миллиард долларга етиб, ички ялпи маҳсулотнинг 34,6 фоизига тенглашди. Бироқ, халқаро молия институтлари экспертларининг таъкидлашларича, мамлакатнинг давлат қарзи ички ялпи маҳсулотга нисбатан 40 фоизга етган. Бу миллий иқтисодиёт учун жуда хавфли.

Бугунги кунга келиб айрим молия муассасалари Тожикистонга шерик сифатида қарамай қўйиб, вабодан ҳайиққандек қочаяпти. Хусусан, 2010 йилнинг охирларида Осиё тараққиёт банки шундай йўл тутиб, Душанбега янги кредитлар беришдан воз кечди. У ўзининг бу қарорини мамлакатнинг давлат қарзи ҳаддан ташқари кўп эканлиги, унга барқарор молиявий хизмат кўрсатиш муаммо эканлиги билан асослади.

Шу билан бир вақтда кадрлар қўнимсизлиги кучайиб кетгани, юқори малакали ходимлар давлат муассасаларини ташлаб, хусусий секторга ўтаётгани, меҳнат миграцияси оммавий тус олаётгани, мутахассисларнинг чет элларга чиқиб кетаётгани ҳам иқтисодий таназзул зўрайишига сабаб бўлаяпти. Асосий иллат шундаки, республикада иш ҳақи жуда паст. Бундан ташқари, даромаднинг озлиги ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаяпти. Ҳозир мамлакатда ўртача ойлик иш ҳақи 32 сомоний (11 АҚШ доллари)га тўғри келаяпти. Тожикистон таҳлилчилари иқтисодий ривожланиш бўйича мамлакат 1929 йилдаги даражага қайтганлигини таъкидлашмоқда.

Тожикистон жамиятининг яна бир оғриқли соҳаси ижтимоий сектордир. Бу масала ҳозир том маънода сиёсий муаммога айланган. Мамлакатда ҳозир ярим миллиондан кўпроқ пенсионер бўлиб, уларга тўланаётган пенсия миқдори МДҲ мамлакатлари ичида энг пасти ҳисобланади. Ёш бўйича энг кам пенсия миқдори 20 сомоний (5,9 АҚШ доллари).

Юқорида келтирилган хато ва камчиликларга кенг қўламдаги меҳнат миграцияси ҳам қўшилиб, Тожикистонда ўз меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизими парокандаликка юз тутиб, бутунлай издан чиққанини ойнадек равшан акс эттириб турибди. Ҳукумат иқтисодиётни яхшилаш ва ривожлантириш борасида ҳеч нарса қилмаяпти. Бу эса, ўз навбатида тожик гастарбайтерларининг кун сайин кўпайиб боришига олиб келаяпти.

2010 йилда Миграция бўйича халқаро ташкилот тожик кўчма меҳнатчилари уйда колдириб келган аёлларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, улар нимани ҳисобига яшаётганларини тадқиқ этди. Бу тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тожикистонлик меҳнат мигрантлари ҳар йили топган даромадларининг 20-50 фоизини уйларига жўнатиб турадилар. Бу ўртача 400 АҚШ долларига тенг.

Аммо, бошқача статистика ҳам бор: Тожикистон миграция хизматининг маълумотларига қараганда, 2010 йилда Россиядан Тожикистонга 600 дан зиёд "юк-200" (тожик меҳнат мигрантларининг жасадлари) келган. Норасмий маълумотга кўра эса, Тожикистон ҳар йили мингдан зиёд – кунига 3-4 та руҳдан ясалган тобутларни қабул қилиб олади. Россия қабристонларига кўмилган ёки шахсини аниқлашнинг иложи бўлмай, жасади ёқиб юборилган тожиклар ушбу минглаб ўликлар рўйхатига кирмайди. Одатда, уй-жойи йўқ кимсаларнинг жасади куйдирилади.

Шойим ВОСИЕВ.
tajmigrant.com

АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ВОЗ КЕЧИШАЁТИР

Германия ҳукумати атом энергиясидан фойдаланишдан бутунлай воз кечиш тўғрисида узил-кесил қарорга келди. DW-WORLDнинг маълум қилишича, душанба – 30 май куни маъқулланган режага мувофиқ ишлаб турган тўққизта АЭС 2022 йилгача ўчирилади.

Мамлакатнинг атроф-муҳит вазири Норберт Реттген ҳукуматнинг қарийб 12 соат давом этган мажлисдан сўнгги қарорини эълон қилди. Унинг гапига қараганда, режа бўйича олтита АЭС 2021 йилда, қолган учтаси 2022 йилда бутунлай ёпилиши кўзда тутилган. Ҳозир таъмирлаш мақсадида тўхтатиб қўйилган яна саккизта АЭС қайта тикланмайди.

Бугун ишламай турган 8 та АЭСнинг 7 таси мамлакатдаги энг эски станциялар бўлиб, 1980 йилда қурилган. Улар шу йил март ойида Японияннинг "Фукусима – 1" станциясида авария юз берганидан сўнг уч ойга тўхтатиб қўйилган эди.

Федерал канцлер Ангела Меркелнинг аввалги режасига қарши ўлароқ атом энергиясидан бутунлай воз кечишга мажбур бўлинди. 2010 йилда аввалги канцлер Герхард Шредернинг немис АЭСлари 2022 йилгача ёпилиши тўғрисидаги режасини Маркель ҳукумати бекор қилганди.

Канцлер Меркель маҳкамасини "Фукусима – 1"да юз берган жаҳонда мислсиз авария атом энергиясидан воз кечишга мажбур этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

БОЛАЛАР ЁЗИ СОЗ ЎТСИН

десангиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинг

Мактаб ўқувчилари ёзги таътилга чиқиб, соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларига йўл олишадиган вақт келди. Бу масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим бўлиб, асосий вазифа ва масъулият соғломлаштириш муассасалари раҳбарлари зиммасига тушади.

Мутасадди раҳбарлар аввало ётоқхоналарни ёнғинни тез сезувчи ва хабар берувчи мосламалар билан таъминлаш, ёнғин ҳақида хабар бериш мақсадида радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланиш учун кеча-кундуз ишлайдиган репродуктор (радиокарнай)лар, якин орадаги ёнғин ўчириш қисми билан боғланиш учун телефон алоқасини ўрнатиб, стол, тумбочка ва каравотлар ётоқхоналардаги кириш-чиқиш эшикларини тўсиб қўймаслиги масалаларига жиддий эътибор қаратишлари зарур. Бундан ташқари, тарбиячи, тиббиёт ва бошқа ходимлар болалар келгунга қадар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оид йўриқномани пухта ўрганишлари, ёнғин рўй берган тақдирда оромгоҳнинг ҳар бир ходими учун аниқ вазифа белгиланган ҳолда эвакуация режасини ишлаб чиқишлари, электр, иситгич асбобларидан тўғри фойдаланишни мунтазам кузатиб боришлари, қатъий тақиқланган жойларда улардан фойдаланишга йўл қўймасликлари зарур.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда оромгоҳ ҳудуди ва бинолари бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ жиҳозланиши, хизматчиларнинг тунги навбатчилигини ташкил этиш, уларни қўл-электр чироқлар билан таъминлаш, ёнувчан ашлар ва чиқиндиларни ҳар куни йиғиштириб, алоҳида ажратилган жойларга олиб чиқиш, гулхан ёқишни туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан келишган ҳолда ўтказиш муҳимдир. Қолаверса, гулхан ёқиладиган майдонларнинг бинолардан камида 100 метр масофада бўлиши, керакли миқдорда ёнғин ўчиргичлар ва бошқа бирламчи воситалар билан таъминланиши, тоғларда катта байрам гулханини ёқиш учун ҳудудий ўрмон хўжалиги ходими билан келишилиши, гулхан атрофи 1,4 метр кенгликда чопилиши ва 25 метр радиусда қуруқ ўтлардан тозаланиши ҳамда байрам тугагандан сўнг гулхан ўчирилиб, тупроқ билан кўмиб ташланиши қатъий назоратга олиниши лозим.

Оромгоҳ ҳудудида ва биноларида чекиш, очиқ оловдан фойдаланиш ман этилади.

Юқоридаги қоидаларга тўлиқ амал қилинишига дам олиш оромгоҳлари раҳбарлари ва хизматчилар жавобгар эканликларини яна бир бор эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз. Болалар учун ёз соз ўтишида биз катталар масъул эканимизни унутмайлик!

Гулшан ИНОҒОМОВА,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси кичик инспектори.

ЎҚУВ МАШҚЛАРИ

Пискент туманида "Бошқарув органлари, фавқулодда вазиятлар давлат тизими қуйи бўғинларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракати" мавзусига бағишланган қўмондонлик-штаб-ўқув машқи ўтказилди.

КЎНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Унда туман фуқаро муҳофазаси тузилмалари куч ва воситаларининг шайлиги синовдан ўтказилиб, аҳоли рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишга ўргатилди.

Режага кўра, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш штаби ташкил этилиб, зилзила оқибатларини тугатиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берилди. Тумандаги қуйи тузилмаларнинг механизациялашган йиғма жамоаси жамланиб, саф кўриги ўтказилди.

Шундан кейин шартли равишдаги зилзиладан энг кўп зарарланган ҳудуд деб белгиланган "Лолаарик" маҳалласи аҳолисини хавфсиз ҳудудга кўчириш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўсатиш, ер силкинишидан зарар кўрган Пискент – Тўйтепа автомобиль йўлининг Оҳангарон дарёси устидан ўтувчи кўпригини мустаҳкамлаш ва сув тошқинининг олдини олиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди. Ушбу тадбирларга 159 та техника воситаси ва 1872 киши жалб этилди. Шунингдек, тадбир давомида ўрта мухсус касб-ҳунар коллежларида ва умумтаълим мактабларида "Фуқаро муҳофазаси кунлари" ўтказилди. Уларда 17 минг 500 дан кўпроқ ўқитувчи ва ўқувчиларнинг табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиши бўйича билим ва кўникмалари мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, бошқарма иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида ҳам фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ мавзуларда суҳбатлар ташкил этиб, сел, сув тошқини ёки зилзила содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича машғулотлар ўтказилди. Қўмондонлик-ўқув-тактик машқи давомида туман алоқа тармоқлари, давлат санитария-эпидемиология назорати станцияси, пахта тозалаш заводи каби корхоналарда махсус тактик ўқув машғулотлари, ўқув муассасаларининг барчасида "Фуқаро муҳофазаси куни" тадбирлари ва маҳаллаларда суҳбатлар ўтказилди.

Шерали ҚУТЛУМУРОДОВ,
вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ҳокимияти томонидан 22.04.2010 йилда № 005659 (реестр № 005659-04) рақами билан рўйхатдан ўтган "XUSNI INVEST" хусусий корхонаси (ИНН 301589168, ОКОНХ 16152)
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида ТТЗ-2, 53-уй, 47-хонадонда қабул қилинади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "ALBIT" МЧЖ (ИНН 202851066) устав фонди 15 000 000 сўмдан 6 000 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

"PREMIA-ERIKO" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301356093) устав фонди 122.000.000 сўмдан 20.000.000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Частное предприятие "IDS BUSINESS GROUP", зарегистрированное в Яккасарайском районе г. Ташкента сообщает о преобразовании в ООО "IDS BUSINESS GROUP".

Бўка агросаноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йилда Мамадалиев Фарход Фурқатович номига берилган К № 1399103 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2010 йилда Деканбаева Нигора Батировна номига берилган К № 0101134 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "MADINA-XAKIMJON BIZNES" (ИНН 301000616, ОКПО 22578024), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента за реестр. № 004234-11 от 09.12.2008 г., расположенное по адресу: ул. Бабура, 65-8, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ учредителя № 1 от 30.05.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 167-67-80.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 25.03.2011 йилда № 3520 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "G`OLIBA AGRO PLYUS" хусусий корхонаси (ИНН 301914729) ташкилий-ҳуқуқий шаклини "G`OLIBA AGRO PLYUS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартираётганлигини маълум қилади.

"FERUZA-STIL" масъулияти чекланган жамияти шу ном билан хусусий корхонага айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ЧФ "BAXODIRBEK-G`ULOMBEK" (ИНН 301967844, ОКПО 23685259) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента расположенное по адресу: ТХАУ, д. 11, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 31.05.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 157-77-57.

Утерянную круглую печать ЧП "Якубова Мастура Заировна", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента по пдресу: 5 пр. Хайрати, д. 22, выданную разрешительным отделом Учтепинского РОВД,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

20 йил

Чирчиқ:

ТОБОРА ЮКСАЛАЁТГАН ПАРВОЗ

4. Эртанги кун бугунгидан ҳам гўзалроқ

Шаҳар чирой очиб, истироҳат боғлари ва сайилгоҳлар тобора сўлимлашиб, гўзаллашиб бораяпти. Чирчиқ дарёси, Искандар, Хоним каби каналлар улар ҳавосини мўътадиллаштириб туради.

Бугун шаҳарда икки санъат саройи, учта кинотеатр томошабинларга хизмат кўрсатаётир. Сўнгги уч йилда кутубхоналар икки баравар кўпайиб, 35 тага етди. Ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот ўз ахборот-ресурс марказини истиқлол йилларидаги янги ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар билан тўлдириб бораяпти. Шаҳар кутубхоналари шу кунларда 7,2 минг нусха китобга эга.

Шаҳар истиқболини белгиловчи 39 мингга яқин ўғил-қиз ҳар йили мактаб, лицей ва коллежларни битираяпти. Коллежларда 30 дан ортиқ йўналишдаги замонавий касбларни эгаллаётган ёшлар ҳар йили "Максам-Чирчиқ", "Қишлоқмаш", "Кимёмаш" саноатлари йирик ишлаб чиқаришлар, катта-кичик тадбиркорлик корхоналари, бошқа ташкилот ҳамда муассасаларда иш бошлашмоқда. Улар кекса авлод анъаналарининг муносиб давомчилари бўлиб камол топиши, мустақил замонанинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиши учун давлат ва жамият ҳеч нарсани аямаяпти.

Чунончи, сўнгги йилларда мактабларни капитал ёки жорий таъмирлашга умуммиллий дастур бўйича 18,4 миллиард сўм сарф-ланди. Шу кунларда 15- ва 25-умумтаълим, 15-санъат ва мусиқа мактаблари бинолари таъмирланаяпти.

Бугун умумтаълим муассасалари "Зиёнет" ахборот-таълим тармоғи хизматидан баҳраманд бўлмоқда. 10-мактаб "Йил мактаби" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, Қашқадарёда ўтган мамлакат босқичида муваффақиятли иштирок этди. Халқ таълимининг 23 йўналишдаги фаолияти бўйича Чирчиқ вилоятда биринчи, билимлар беллашуви бўйича иккинчи ўринларга кўтарилди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар шаҳар соғлиқни сақлаш тизимини бугунги даражага олиб чиқди. Шаҳар марказий шифохонасини таъмирлашга 2008-2009 йилларда 650 миллион сўм ажратилди. 1-поликлиникани таъмирлаш учун эса, бюджет маблағларидан 900 миллион сўм сарфланди.

Хусусий шифохоналар тармоғи кенгайиб бораяпти. "Атлант", "Сино", "Доктор"лар қаторида "Дилчеҳра"нинг ўрни, нуфузи ўзига хос. Тадбиркор аёл Ражаббиби Имомбердиева раҳбарлик қилаётган бу тиббий муассасада бугун олий тоифали шифокорлару тажрибали ҳамшираларидан иборат 24 киши ҳар куни ўнлаб одамларнинг дардига малҳам бўлишмоқда. Неврология, кардиология, терапия, эндокринология, дерматология бўлимлари, УЗИ, ЭКГ, лаборатория хизматларидан фойдаланувчилар кўпайиб бораяпти.

– Тошкентдан, Андижондан ҳам кўплаб мижозлар келаяпти, – дейди Ражаббиби Бижановна. – Шифохонамиз замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Японияда ўтган бизнес-форумда қатнашиб, янги УЗИ аппарати олиб келдим. Яқинда Хитой пойтахти Пекинда ўтган Халқаро кўргазмадан эса, турли аппаратураларни сотиб олиш юзасидан шартнома тузиб қайтдим. Жанубий Кореянинг "Медисон" компаниясидан олган УЗИ аппаратимиз она қорнидаги ҳомиланинг ўсиш жараёнларини тиниқ кўрсатади.

Тадбиркорлик соҳасидаги ютуқлар ҳам беқиёс. Ўтган йили давлат тасарруфидаги 24 та бинонинг 17 таси хусусий тадбиркорлик ҳаракатини бошлаш иштиёқидаги кишиларга имтиёзли тарзда берилди. Натижада белгиланганидан кўп – 36 та янги хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди.

Шу кунларда коллежларни 2688 йигит-қиз битираяпти. Уларни касблари бўйича ишга жойлашишлари юзасидан 96,8 фоиз уч томонлама шартнома тузиб қўйилди. "Лукбо-Текстиль" масъулияти чекланган жамият бу йил 34 та касаначилик иш ўрнини ташкил этмоқчи. Касаначилар уйларида ўтириб болалар кийимларига тикилган ёки босиб туширилган расмлар, чоклар сифатини кўздан кечириб, баъзи жузъий камчиликларни бартараф этиб беришади...

Мустақил 20 йиллик ҳаёт бундай имкониятлар доирасини беқиёс кенгайтириб юборди. Ҳаётини мазмунли, файзли қилиш орзусидаги одамлар улардан оқилона фойдаланишаяпти. Шу йиллар чирчиқликлар қалбида эртанги кунга ишончни кучайтирмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) мусиқа ва санъат мактабининг ёш созандалари; (пастда) кутубхонанинг ўқув зали.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Дилдора Ҳожиакбарова – 28 ёшда, бадиий гимнастика мураббийси, педагогика институти 2-босқич талабаси. Оилали, 2 фарзанднинг онаси. "Йил аёли – 2010" танлови қатнашчиси.

– Аёл ҳамиша гўзаллик, эзгулик тимсоли бўлиб келган, – дейди у. – Хушқомат, хушзабон қизларга доим ҳавас қилганман. Айниқса, бадиий гимнастикачи қизларнинг гилам устидаги нафис, нозик ҳаракатлари, эпчиллиги, чаққонлиги, чақноқ нигоҳларидаги ҳузурбахш ҳаёт нафасини чуқур ҳис этаман...

ОЛДИНГА ИНТИЛИБ ЯШАМОҚ БАХТИ

Инсон табиатнинг бир бўлаги. Ундаги бори яхшилик, эзгулик, аввало, Яратганнинг, қолаверса, она табиатнинг инъоми. Зиёга, гўзалликка талпиниш ҳам ундан завқланиш, баҳра олиш ва асраб-авайлашга бўлган мойилликдан нишона. Муҳими, уни юзага чиқара олишда. Зангиотали Дилдорахон Ҳожиакбарова ўзига хос гўзаллик ижодкорларидан. У мурғак қалбларга эзгулик, вужудларга гўзаллик, саломатлик бағишловчи нафис спорт тури – гимнастика мураббийи. Мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида Юртбошимиз кўрсатмалари асосида амалга оширилаётган кўламли ишлар вилоятимиз ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Аҳоли ўртасида спортни янада оммалаштириш, қизлар спорти, хусусан, бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида вилоят ҳокими таъкидлаганларидек, "Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган (2003 йил)дан буён вилоятимизда 67 та спорт иншооти ва 45 та спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 249 минг 434 қизнинг 93 мингдан зиёди спорт билан мунтазам шуғулланади. 2004 йилда иккита бадиий гимнастика секцияси мавжуд бўлиб, уларга 72 нафар қиз жалб қилинган бўлса, бугунга келиб шаҳар ва туманларимизда очилган бадиий гимнастика секциялари 40 дан, уларга қатнаётган қизлар 1000 дан ошиб кетди..."

Ўз навбатида бу рақамлар ушбу нафис спорт турига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани, яратиб берилаётган шарт-шароитлар кўнгилдагидек эканидан дарак беради. Дилдорахон сингари бадиий гимнастика ихлосмандлари, мураббийлари эса Юртбошимизнинг эътибори, ғамхўрлигидан мамнун.

– 2005 йил Зангиотадаги 45-умумтаълим мактабида иш бошлаганман, – дейди у. – 2007 йили бадиий гимнастика тўгараги ташкил этилди. Шу йили Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида малака ошириш курсида ўқиб келдим. Дастлаб тўгаракка 15 қиз қатнаган бўлса, бугун улар 120 нафардан ошди. Ҳатто, оналар ҳам бу спорт турига катта қизиқиш билан қараб, ўзлари учун ҳам тўгарак ташкил этишимизни илтимос қилишди...

Ҳақиқатан ҳам, ҳар томонлама гўзал, етук бўлишни ким хоҳламайди, дейсиз. Айниқса, гимнастикачи қизларнинг юриш-туриши, гап-сўзи, муомаласи ўзига хос бўлади.

– Тўгаракка 4 ёшидан қатнаётганлар ҳам бор, – дейди мураббия. – Ёш болаларнинг гавдаси нозик, суяклари эгилувчан, машқлар давомида чайирлашиб бораверади. Лекин, машғулотлар ёшга қараб танланиши шарт. Мураккаб машқларни кўпроқ ўн ёшдан ошган қизлар бажариши мумкин. Баъзан, истисно тариқасида, жисмоний тайёргарлиги, интилиши, лаёқатига қараб кичик ёшдаги қизалоқларга бир мунча қийинроқ машқларни ўргатиб, синаб кўриш мумкин.

Дилдора Ҳожиакбарова сўзларини тинглаб туриб, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчига ўхшатдик. Ахир ёш, ҳали суяги қотмаган болажонларни ўқитиш, тарбиялаш учун нафақат билим, катта ҳаётий тажриба ҳам зарур.

– Тўғри, мен ҳали ёшман. Аммо, ўз ишимга қизиқиш, интилишим, меҳрим кучли, – дейди у. – Бу борада ота-онам, айниқса, қайнонамдан жуда миннатдорман. Ўқитувчилик сирларини, ҳаёт дарсини у кишидан оляпман. Ойижонимнинг маънавий рағбати, амалий ёрдамлари туфайли икки ўғлим ёш бўлишига қарамай, (5-7 ёш) ўқиш, ишлаш, давлат ва жамоат ишларига ҳам улгураяпман. Ҳозир Низомий номидаги педагогика университети педагогика-психология факультети 2-босқич талабасиман.

Дилдора педагогика коллежини тамомлаб, институтда ўқиш орзуси ушалмай қолишидан хавотирда эди. Мулоҳазали, ўқимишли инсонлар хонадони унинг орзуларига қанот бағишлади. Энг фаол аёл сифатида "Йил аёли – 2010" кўрик-танловида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди.

– Аёл учун энг кераги фарзанд тарбияси, оналик бахти, – дейди Дилдора. – Лекин ҳар томонлама саводхон, маданиятли, маънавиятли онаси бўлган болажонлар унданда бахтлидир. Бу фазилатлар асосини жисмоний, руҳий соғломлиқ ташкил этади. Баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш эса биз аёллар, оналарнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.

Қалбида эзгулик ниҳоли гуллаб-яшнаётган давр қизи, ўзбек аёлининг орзулари бисёр. Улардан бири "Бадиий гимнастика бўйича дарс машғулотлари қўлланма"сини яратиш, спортимиз маликалари сафини янада кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиш. Истиқлолимизнинг 20 йиллик шодиёналарига ўзгача шукуҳ, файз бағишлайдиган нафосатга бой спорт маликалари Ўзбекистонимизнинг кўксида ҳамиша порлайверсин.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ҚИРҚ БИР ҲИЙЛА

"Бир йигитга қир ҳунар ҳам оз" дейди доно халкимиз. 43 ёшни қоралаган Муҳиддин Мирҳўжаевнинг эса ҳийлалари қиркдан ошади. Унинг макрини қирқ туя ҳам кўтаролмайди, десак ишонаверинг.

18 ёшида жиноят йўлига кирган М. Мирҳўжаев шу кўчаларда ҳамон саргардон. Муҳиддиннинг жиноятчилик "юришлари" 1987 йилдан бошланган. Москва ҳарбий гарнизони ҳарбий трибунали уни Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 245-моддаси 2-қисмининг "а" банди, 246-моддасининг "а" банди билан 2 йил муддатга, 1990 йилда яна худди шу трибунал 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилганди. 1993 йилда у Қарши шаҳар судининг ажрими билан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

1996 йилда Тошкент шаҳар А. Икромов тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 1-қисмининг "а" банди билан 12 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 1996, 1999, 2000 йиллардаги Амнистия тўғрисидаги Фармонларга асосан қисқартирилган ва жазонинг ўталмаган 1 йил 11 ой 14 куни Навоий шаҳар судининг ажрими билан ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган.

Шунингдек, 2001 йилда Миробод тумани, 2005 йилда Юнусобод тумани судлари унга 7 ва 3,5 йил муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлаганди.

М. Мирҳўжаев давлатимиз раҳбарининг бағрикенглиги, кечиримлилиги туфайли жазолардан муддатидан илгари озод бўлаверган. Аммо, тавбасига таянмаган Мирҳўжаевнинг навбатдаги ҳийлалари энди уни Зангиота тумани судининг қора курсисига етаклаб келди. Муҳиддин 2010 йилнинг апрель ойида фуқаро Рустам Абдурахмоновнинг ишончига кириб, қорамол олиб боқиш ва фойдасини "арра" қилиш баҳонаси билан ундан 4 миллион сўм ва 1470 АҚШ долларини олиб, пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборди. Июль ойида у бошқа бир фуқаро Марат Алиевни "тўри"га илинтирди. Тижорат билан шуғулланмоқчи, бундан Марат ҳам манфаатдор бўлиши мумкин эканлигини айтиб, 6000 АҚШ долларини уч ойда қайтариб бериш шарти билан олди-ю, маишатини давом эттирди.

"Мижоз"ларининг кўнгли бўшлиги Муҳиддинга илҳом берарди. 2010 йил 25 октябрь куни у навбатдаги "операция"га қўл урди. Бу сафар у фуқаро Икром Сафарова ўзини уста валютафуруш сифатида таништирди. Икромдан санаб олинган 16 миллион 500.000 сўм эвазига 4000 АҚШ долларини бердию, қолган пулни ўз маишатига сарфлаб юборди.

Муҳиддин Мирҳўжаев яна сафарга чоғланди. У 23 ноябрь куни ўзи яхши билган Марат Алиевнинг хонадонига ҳеч ким йўқ пайтидан фойдаланиб, худди ўз уйидек бемалол кириб, нархи 2000 АҚШ долларига тенг тилла соат, 400 долларлик узук, аёллар ҳамёнидан умумий қиймати 35 миллион сўмлик тақинчоқлар ва 1200 АҚШ долларини олиб ғойиб бўлди. Бу унинг суд залига бошлаб келган сўнгги "иши" эди.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди М. Мирҳўжаевнинг қилмишларини атрофлича ўрганиб чиқиб, уни ўта хавфли рецидивист деб топди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Қирчиллама ёшида яна "қадрдон" тиканли симлар ортига равона бўлган Муҳиддиннинг ҳийлалари зора ўша ерда барҳам топса.

Алишер ТОШЕВ, Зангиота тумани прокуратураси катта терговчиси.

БЕКАЖОН

БАНАНЛИ ШИРИНЛИК

Керакли масаллиқлар: 6 дона банан, 6 ош қошиқ ер ёнғоқ мағзи, 1 ош қошиқ сариёғ, 100 гр шоколад.

Тайёрлаш усули: тозаланган бананларни узунасига кесиб, ўртаси ўйиб олинади. Ер ёнғоқ мағзи бироз қизартириб олиб, майдаланади. Шоколад сув буғида эритилиб, сариёғ қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади. Бананларни ликопчага солиб, узунасига ер ёнғоқ мағзини сепиб, устидан шоколад қуйилади.

СПОРТЧИ АЁЛЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Олмалиқ шаҳрида анъанавий "Аёллар спорт фестивали" бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган спорт байрамида барча шаҳар ва туманларнинг 400 нафар спортчи аёллари иштирок этишди. Байрамона безатилган марказий ўйингоҳда саф тортган хотин-қизлар тантанали очилиш маросимидан сўнг, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, дартс, сузиш, гимнастика каби спорт турлари бўйича куч синашишди.

Волейбол, стол тенниси бўйича Ангрен, Паркент, Олмалиқ, енгил атлетика бўйича Қибрай, Чиноз, Бекобод, сузиш бўйича Олмалиқ, Чирчиқ, шахмат бўйича Бекобод, Олмалиқ, Қуйичирчиқ аёлларининг маҳорати алоҳида эътироф этилди.

Гимнастрада бўйича Бўка, Бекобод, Чирчиқ вакилларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Ғолибларга тадбир ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Саида РАҲМОНОВА. Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

"BLAK MARTIN" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 970 820 114,00 сўмдан 381 602 804 сўмга камайганлигини маълум қилади.

ООО "GREAT WALL INFO" (ИНН 301434527, ОКПО 23074892), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхонтохурского района г. Ташкента за № 003875-09 от 11.01.2010 г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол учредителя № 1 от 20.05.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: пр. Алмазар, туп. Калючий, д. 12-А. Тел.: 333-78-88.

ООО "SIFAT YOG`OCh JIXOZLAR" (ИНН 202540152), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Карасу-4, д. 2, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания учредителей № 1 от 24.05.2011 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

"E`ZOZ SHANS SAVDO" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 12320. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 123